XALQ DEPUTATLARI NAMANGAN SHAHAR KENGASHINING

Q A R O R I

2022 - yil 28 - yanvar VI-38-4-6-91-K/22 Namangan shahar hokimligi

“Янги ҳаёт”, “Янги қурилиш”, “Маданий маориф”, “Оби ҳаёт” маҳаллаларини бўлиш ва янги маҳаллаларни ташкил қилиш ҳамда "Гулпора" маҳалласининг номини ўзгартириш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 48-сон қарорига мувофиқ Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Наманган шаҳар ҳокимининг “Янги ҳаёт”, “Янги қурилиш”, “Маданий маориф”, “Оби ҳаёт” маҳаллаларини бўлиш ва янги маҳаллаларни ташкил қилиш ҳамда "Гулпора" маҳалласининг номини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Янги ҳаёт” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага "Чаман", “Янги қурилиш” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага "Қувонч", “Маданий маориф” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага "Осуда" ва “Оби ҳаёт” маҳалласидан ажралиб чиқаётган янги маҳаллага "Равнақ" номлари берилсин.

3. "Гулпора" маҳалласининг номи "Ифтихор" деб ўзгартирилсин.

4. Қуйидагилар:

"Чаман" маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 1-2-иловаларга мувофиқ;

"Қувонч" маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 3-4-иловаларга мувофиқ;

"Осуда" маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 5-6-иловаларга мувофиқ;

"Равнақ" маҳалласи чегарасининг тавсифи ва чизмаси 7-8-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Наманган шаҳар ҳокимининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари А.Исмаилов:

ўн кунлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига Географик объектларнинг номлари давлат реестрига киритиш учун тегишли ҳужжатлар юборилсин;

“Янги ҳаёт”, “Янги қурилиш”, “Маданий маориф”, “Оби ҳаёт” маҳаллаларини бўлиш ва "Чаман", "Қувонч", "Осуда", "Равнақ" маҳаллаларини ташкил қилиш ҳамда "Гулпора" маҳалласининг номини "Ифтихор" деб ўзгартириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий масалалар белгиланган тартибда амалга оширилсин.

6. Ушбу қарор "Наманган садоси" газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида Наманган шаҳар ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Д.Абдуқаххоров зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ғ.Джамалов**

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
1-илова


"Чаман" маҳалласи чегарасининг

ТАВСИФИ

Наманган шаҳар Чаман кўчаси ва Уйчи кўчаси кесишмасидан *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'31.97", шарқий узунлик координаталари —1°42'54.77")* Уйчи кўчасида жойлашган "NAM-TEX" масъулияти чекланган жамияти кўчаси бўйлаб, 100 метргача *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'36.55", шарқий узунлик координаталари — 71°43'15.21").*

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
2-илова

"Чаман" маҳалласи чегарасининг
ЧИЗМАСИ




Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
3-илова

"Қувонч" маҳалласи чегарасининг
ТАВСИФИ

Наманган шаҳар Уйчи кўчаси ва Янги хаёт кўчаси кесишмасидан *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'28.24", шарқий узунлик координаталари — 71°42'32.53")* Т.Гузари кўчасигача, Т.Гузари кўчасидан Чиннигул кўчасигача *(шимолий кенглик координаталари — 40°59'39.56", шарқий узунлик координаталари — 71°42'38.93").*

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-К/22-сон қарорига
4-илова

"Қувонч" маҳалласи чегарасининг
ЧИЗМАСИ



-Бўлиниши режалаштирилган худуд чегараси

-Худуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси


Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
5-илова

"Осуда" маҳалласи чегарасининг
ТАВСИФИ

Наманган шаҳар Чортоқ кўчасида жойлашган 16-умумий ўрта таълим мактабидан *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'33.09", шарқий узунлик координаталари — 71°41'50.37")* Хидиралиев кўчаси кесишмасигача, Хидиралиев кўчасидан Чортоқ кўчасигача *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'53.94", шарқий узунлик координаталари — 71°42'22.19").*

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
6-илова

"Осуда" маҳалласи чегарасининг
ЧИЗМАСИ



-Бўлиниши режалаштирилган худуд чегараси

-Худуди сақланиб қолаётган МФЙ чегараси

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-K/22-сон қарорига
7-илова

"Равнақ" маҳалласи чегарасининг
ТАВСИФИ

Наманган шаҳар Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси кўчаси (ШФК) дан *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'20.53", шарқий узунлик координаталари — 71°39'30.85")* Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази Ҳамроҳ кўчасигача, Ҳамроҳ кўчаси бўйлаб, Нодим Номонгоний кўчасигача, Нодим Номонгоний кўчасидан Янги ариқ кўчасигача *(шимолий кенглик координаталари — 41° 0'5.34", шарқий узунлик координаталари — 71°39'42.48").*

Халқ депутатлари Наманган шаҳар
Кенгашининг
2022 йил 28 январдаги
VI-38-4-6-91-К/22-сон қарорига
8-илова

"Равнақ" маҳалласи чегарасининг
ЧИЗМАСИ

